# FARG’ONA VILOYATI SO’X TUMANI HOKIMINING

# Q A R O R I

Rovon shaharchasi 151400. A.Temir ko’chasi 95-уй. Tel (73) 462 50 30.

___-_______-2021 yil № -_____

1

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI SO'X TUMANI**
**H O K I M I N I N G**
**Q A R O R I**

"14" 02 2020 йил № 29 Rovon shaharchasi

**Ер майдони танлаш**
**ва ажратиш ҳақида.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 08 август кунидаги "2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисидаги" ПК-4798-сонли қарор ижросини таъминлаш ҳамда Навобод МФЙ фукарос Хидиров Хасанхон Маҳмудовичнинг аризасини куриб чиқиб Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6 ва 23 моддаларига асосланиб:,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Сўх туманда қишлоқ хужалигига мулжалланмаган буш турган ер участкаларини жисмоний ва юридик шахсларни туғридан туғри бериш туғрисида тумандаги доимий харакатдаги ер ишлари комиссиянинг 2020 йил 26 ноябр кунидаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Навобод МФЙ фуқарос Хидиров Хасанхон Маҳмудовичга тикувчилик цехи куриш учун 229-ер контуридан 0,04 га ер майдони танлансин ва ажратилсин.

3. Туман Давлат солиқ инспекцияси (Ф.Турабоев)га ушбу қарор асосида фуқаро Хидиров Хасанхон Маҳмудовичга амалдаги солиқ ставкалари асосида солиқларни мунтазам равишда ундириб борилишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

4.Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи (Р.Нозиров)га амалдаги тартиб асосида ер ҳисоби ва ҳисоботига ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

5.Туман қурилиш бўлими бошлиғи (А.Зокиров)га ажратиб берилаётган ер участкасида қўриладиган бино-иншоотларни тасдиқланган лойиҳа ва замонавий архитектура талаблари асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин

6 фуқаро Хидиров Хасанхон Маҳмудовичга:

-200 млн сўм (икки юз млн сўм) инвестиция киритиш, 1 йил муддатда (2021 йил 31 декабргача) тикувчилик цехи куриб фойдаланишга топшириш ва 8 та янги

иш ўринларини яратиш инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлари вазифаси юклатилсин.

7. Хидиров Хасанхон Махмудовичга ажратилаётган ер майдонидан мақсадли фойдаланиш, инвестиция мажбуриятларини таъминлаш, ердан мақсадли фойдаланмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддаси 10-бандига мувофиқ ер участкасига бўлган ҳуқуқи бекор қилишини кўрсатиб ўтилсин.

8.Туман ҳокимининг инвестиция бўйича ўринбосари (И.Тожибоев) га инвестиция мажбуриятларни бажарилиши бўйича мониторингини юритиш ва бажарилган мажбуриятларни қабўл қилинишини таъминлансин.

9.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари С.Мурзоев ва И.Тожибоев зиммаларига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **С.Сайидмусаев**

**К И Р И Т И Л Д И**

Туман ҳокими ўринбосари С.Мурзоев

Туман ҳокими ўринбосари И.Тожибоев

**К Е Л И Ш И Л Д И**

Туман ҳокимлиги девонхона мудири А.Турабоев

Баж: Бош мутахассис О.Охонжонов

ҳокимлик ҳуқуқшуноси: Р. Дехқонов

2021-02-24 16:11:47